

Абдушукржон Мурадов,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти

УМАР НАСАФИЙНИНГ «АТ-ТАЙСИР ФИТ-ТАФСИР» АСАРИДА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Ислом динида пайдо бўлган ихтилофларнинг асосий сабабларидан бири шариат асосларининг моҳиятини тўғри англаб етмаслик натижасида келиб чиққан. Жумладан, хаворижларнинг даъволаридан бири имон масаласи бўлган. Улар амални имоннинг асосий қисмларидан деб қараганлар. Аҳли сунна вал жамоанинг Шофеий, Моликий, Ҳанбалий мазҳаби асосчилари ва ақидавий йўналишлардан бири ашъарийлик таълимотида ҳам амаллар имоннинг бир қисми деб қаралсада, бироқ уни бажармаслик кишини диндан чиқаради деб айтмаганлар. Абу Мансур Мотуридий ақидага оид ёзган асарларида гуноҳи кабира қилиш билан инсон диндан чиқмаслигини айтиб ўтган. Бунга зид ўлароқ хаворижлар эса амал қилмаганларни очиқчасига кофирликда айблаб, ўз даъволарини исботлаш учун қуйидаги оятни далил қилиб келтирганлар.

Қуръони каримнинг “Оли имрон” сураси 96 оятида;

لَلّٰهُ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا
وَمَنْ كَفَرَ فَاِنَّ اللّٰهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِيْنَ

Маъноси: “Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир”.

Хаворижлар: “Аллоҳ таоло каломи шарифда ҳажни тарк қилувчини кофир деб айтмоқда. Ҳажни тарк қилиш эса гуноҳдир. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир гуноҳни қилувчи кимса кофирдир”, деб айтганлар. Аҳли сунна вал жамоа уламолари эса оятидаги “رَفَكَ” сўзида тан олмаслик ва ношукурлик қилиш маънолари борлигини айтиб ўтганлар. Икки йирик ақидавий таълимот соҳибларидан бири Имом Мотуридий “Таъвилоту аҳли сунна” асарида ушбу оятни шарҳлаб, “رَفَكَ” сўзи икки хил;

биринчиси: “Аллоҳ таоло томонидан ҳаж ибодати фарз қилиб қўйилганини инкор қилган инсон.

иккинчиси: “Имконияти бўла туриб ҳаж ибодатини бажармаган инсон” маъносини англатади деб келтирган.

Абул Баракот Насафий “Мадорикут - танзил” асарида Имом Мотуридийнинг оят бора-

сида айтган тафсирига ўхшаш: *“Ким-ки, ҳажнинг фарзлигини инкор қилса, куфр иш қилган бўлади. Буни Ибн Аббос, Ҳасан Басрий, Ато ибн Або Рабоҳ айтишган.*

Иккинчи маъноси: “Аллоҳ таоло инъом қилган соғ тан ва моддий бойлиги бўлса ҳам ҳаж қилмаган инсон, Аллоҳнинг ушбу берган неъматларига ношукурлик қилибди”, деган сўзни келтиради. Бу жойдаги нозик фарқ шундаки, аслида ҳажнинг фарзлигини инкор қилган киши диндан чиқиб қолиши борасида ҳеч ким эътироз билдирмайди. Бироқ, узр сабабидан ёки унинг фарзлигини инкор қилмаган ҳолда бормаган киши ҳақида кофир бўлди деган ҳукм берилмайди. Бу аҳли сунна вал жамоа йўналишининг тутган йўлидир.

Абул Муъин Насафий “Тамҳид ли қавоиди тавҳид” асарида: *“Хаворижларнинг жумҳури гуноҳи сағира ёки гуноҳи кабира қилган инсон борасида “У мўмин эмас балки кофирдир ва охират кунда дўзахда абадий қолади”, деган маълумотни келтиради. Ушбу адашган тоифа вакиллариининг эътиқоди-га кўра “агар мусулмон инсон гуноҳи сағира ёки кабира амални қилса, у имоннинг асосий қисмларидан бирига зарар етказгани учун ўша заҳоти кофир бўлади”* деб айтадилар.

Абул Муъин Насафий “Баҳрул калом” асарида: *“Хаворижлар: “Кимки гуноҳи кабира қилса, ўша заҳоти кофир бўлади, чунки, Али богий ва хаворижларни ўлдирishi билан кофир бўлди”* деб айтадилар” деган маълумотни келтиради.

Хаворижлар Нисо сурасининг: **“Ким Аллоҳ ва Унинг Расулига исён қилса ва Унинг чегарисидан тажовуз қилса, уни абадий қолиш учун дўзахга киритади”**, деган 14 ояти-ни далил қилиб келтирадилар. Оятдаги “исён

қилиш”, “осий бўлиш” деган сўз араб тилида **“صعّي”** калимаси билан келган. Уларнинг наздида Аллоҳ ва унинг Расулига осий бўлган кимса дўзахга киритилиши оятда очикчасига айтилмоқда. Аллоҳ таоло оли Имрон сурасида **“Куфр келтирганлар учун ҳозирлаб қўйилган дўзахдан қўрқинг”** деб марҳамат қилади. Демак гуноҳ кабира ёки сағира бўлсин барчаси “исён” маъноси остига киради ва ўз соҳибини дўзахда абадий қолишига сабабчи бўлади деб ўйлайдилар.

Аҳли сунна вал жамоа уламолари наздида катта ёки кичик гуноҳ қилган киши кофир эмас балки гуноҳкор банда деб эътибор қилинади. Имом Абу Ҳанифа “Васият” китобида: *“Муҳаммад (с.а.в) нинг гуноҳкор умматларидан барчаси мўмин-дирлар”, деган гапни айтадилар. Ушбу сўзни шарҳлаган Акмалиддин Бобартий айтади: “Аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг тутган йўли гуноҳкор бандада тасдиқ бор экан (Аллоҳга имон келтириш), у мўмин деб ҳисобланади. Агар гуноҳ қилган инсон тавба қилмасдан вафот қиладиган бўлса, унинг ҳолати Аллоҳга ҳавола қилинади. Ушбу нарса уч хил кўринишда амалга ошади.*

1. *Банданинг гуноҳидан кечиб, фазли ва карами билан жаннатга киргизади.*

2. *Банданинг дунёдаги имон ва тоати биракасидан жаннатга киргизади.*

3. *Аҳли фазлларнинг шафоатлари билан жаннатга киритилади.*

Аллоҳ таоло хоҳласа гуноҳкор бандани кичик ёки катта гуноҳига кўра азоблаб, сўнгра уни жаннатга киргизади ва дўзахда абадий қолдирмайди”.

Агар ҳар бир инсонни қилган гуноҳи туфайли куфрга нисбат бериладиган бўлса, унда дунёда бирор бир мўмин инсон қолмасди.

Чунки фақатгина Пайғамбарларгина гуноҳдан маъсум қилинганлар. Бошқа инсонлар гуноҳдан ҳоли бўлишлари мумкин эмас. Ислом тарихида бўнга ўхшаш мисоллар ниҳоятда кўп. Шу сабабли, Аҳли сунна вал жамоа уламолари маъсиятга қўл урган инсон биринчи навбатда тавба қилиши лозимлигини айтадилар.

Қадимда яшаб ўтган хаворижлар тоифаси гуноҳ иш қилган инсонни кофирга чиқариш борасида ниҳоятда ғулувга кетишган. Ўзларини даъволарини исботлаш учун ояти карима ва ҳадиси шарифларни нотўғри таъвил қилиб, ўзлари билмаган ҳолда ислом динида кўплаб ихтилофларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлишди.

Ибн Ҳазм “Ал-фасл фил - милал вал - ахво” номли китобида Хаворижларга: *“Улар бадавий араблардан иборат ғуруҳ бўлиб, Расулulloҳдан собит бўлган суннат амалларни яхши тушуниб етишдан олдин ўзларича Қуръони каримдан далил олдилар. Уларнинг ичида Абдуллоҳ ибн Масъуд ёки Умар каби буюк саҳобаларнинг шогирдларидан бирорта ҳам фақиҳ йўқ эди. Шу сабабли, улар оддийгина шарий масалаларда ҳам бир-бирларини кофирга чиқарар эдилар”* деб, таъриф беради.

Имом Заҳабий “Сияри аъламин - нубало” китобида қуйидаги маълумотни келтиради: *“Абу Ҳозим Адавийдан эшитдим. У киши айтади. Мен Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсийдан шундай деб айтганини эшитгандим. Абул Ҳасан Ашъарийнинг вафоти яқинлашганда мени Бағдоддаги ҳовлисига чақирди. Уни олдида бордим. Гувоҳ бўлгинки, мен аҳли қибладан бирор кишини кофир деб ҳисобламайман. Чунки барча мусулмонлар битта зотга ибодат қилишади. Баъзи сўзларга келадиган бўлсак, улар лафздаги ихтилофдан бошқа нарса эмас”* деб, айтди.

Тарихда яшаб ўтган хаворижлар билан ҳозирги замонда мусулмонларни арзимас нарса билан кофирга чиқараётган адашган тоифаларнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Асримизнинг кўзга кўринган олимлари уларга “Замонавий кўринишдаги Хаворижлар” деган номни бердилар. Чунки уларнинг ҳукм олишдаги усуллари қадимда ўтган хаворижларнинг услублари билан бир хил. Мусулмон инсонни гуноҳи сабабли кофирга чиқариш масаласи замонамиздаги энг долзарб муаммолардан десак адашмаган бўламиз. Зеро ушбу амал натижасидан беҳабар баъзи илмсиз кишилар ўзлари билиб ёки билмаган ҳолда диндош биродарларини куфрда айблаб, очикчасига уларга қарши уруш қилиш мумкин деган фикрларни билдирмоқдалар. Аслида, бу ишлар Ислом умматининг орасига солинаётган низолар мусулмонлар ўртасидаги бирдамлик, ҳамфикрлик, дўстона алоқаларга путур етказадиган ишлардан ҳисобланади. Бунга ўхшаш фитналар натижасида қанчадан қанча бегуноҳ мусулмонларнинг қонлари тўкилиб, болалар етим, аёллар тул, шаҳарлар вайрона, маърифат ва маънавият гулшанлари ҳисобланган таълим масканлари харобага айланди.

Шунинг учун ҳам Аҳли сунна вал жамоа йўналишидаги икки ақидавий таълимот имомлари умрлари давомида қибла аҳлидан бирор бир кишини гуноҳи сабабли кофирга чиқармаганлар. Модомики қилган гуноҳини ҳалол санамаган бўлса, уни мўмин деб ҳисоблаганлар. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тўрт фикҳий мазҳаб асосчилари ва икки ақидавий таълимот соҳиблари наздида гуноҳи сағира ёки гуноҳи кабира қилган инсон модомики қилган ишини ҳалол санамаса у мўмин ҳисобланади.